

ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА САНОАТ ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Холиқова Ойдин Олимжоновна

Вебстр университети магистранти

Аннотация. Ушбу мақолада ҳудудлар иқтисодиётида саноат тармоғининг ривожланишини статистик таҳлили натижасида хулосалар шакллантирилиб илмий тавсиялар таклиф этилган. Натижада ҳудудлар иқтисодиётида саноат тармоғлари улушларининг ўзгаришлари ўрганилиб, ҳудудлар салоҳиятидан келиб чиқиб уларнинг тегишли йўналишларини ривожлантириш учун таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳудуд, статистик индикатор, саноат, саноат йўналишлари, эконометрия, статистик таҳлил, динамик қаторлар, саноат тармоғи.

Аннотация. В данной статье в результате статистического анализа развития промышленного сектора экономики региона сформированы выводы и предложены научные рекомендации. В результате были изучены изменения долей промышленных секторов в экономике регионов и выработаны предложения по развитию их соответствующих направлений с учетом потенциала регионов.

Ключевые слова: регион, статистический показатель, отрасль, отраслевые тренды, эконометрия, статистический анализ, динамические ряды, отраслевая сеть.

Annotation. In this article, as a result of a statistical analysis of the development of the industrial sector of the region's economy, conclusions are drawn and scientific recommendations are proposed. As a result, changes in the shares of industrial sectors in the regional economy were studied and proposals were developed for the development of their respective areas, taking into account the potential of the regions.

Key words: region, statistical indicator, industry, industry trends, econometrics, statistical analysis, time series, industry network.

Кириш. Халқаро иқтисодий ташкилотлар маълумотларига кўра, жаҳонда истеъмол ва ноистеъмол товарларининг учдан икки қисми саноат тармоқларида ишлаб чиқарилади. Статистик маълумотларга кўра, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 47,8 фоизи ва жами бандликнинг эса 22,4 фоизи айнан саноат тармоқлари ҳиссасига тўғри келади [1]. Халқаро тадқиқотларнинг кўрсатишича, саноат ривожланиши мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққий этиши, иқтисодий мустақилликка эришиши, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш ва бандлик муаммоларини бартараф этишда муҳим тармоқ эканлиги маълум.

Бугунги кунда жаҳонда энергия ресурслари ва минерал ўғитлар нархларининг кескин ошиши ҳамда транспорт ва логистика тизимидаги

узилишлар глобал миқёсда рўй бераётган бир даврда, юқори технологияли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ҳисобига экспортни кўпайтиришга эришиш жуда мушкул вазифалардан бўлти бормокда.

Саноатнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш, унинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни эконометрик ва статистик жиҳатдан баҳолаш, мезонларини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш динамикасини моделлаштириш ҳамда ўзгариш тенденцияларини прогнозлаш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудлар иқтисодиётининг барқарор ўсишида саноат тармоғи жуда муҳим ўрин тутди ҳамда бу соҳанинг ривожланиши ҳудудларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотларининг ошишига хизмат қилади. Мамлакатимизда 2021 йилда ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда тармоқлар ялпи қўшилган қийматининг 28,0 фоизи ва унинг қўшимча ўсишидаги улуши 2,2 фоиз саноат тармоғи ҳиссасига тўғри келган [2].

Ўзбекистонда кейинги йилларда ҳудудий саноат тармоқларини янада ривожлантириш, фаол тадбиркорлик ва инновацион ғояларни қўллабқувватлаш, иқтисодиётни рақамлаштириш ва унинг инвестицион жозибадорлиги ва самарадорлигини ошириш ҳисобига иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини кўтариш, бандликни таъминлаш бўйича кенг қўламли стратегик ишлар амалга оширилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармонида «миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш» [3] бўйича 22-мақсад белгилаб олиниб, ушбу мақсадни бажариш учун бир нечта муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади айнан шу вазифаларнинг бажарилиши натижасида ҳудудларда саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариш жараёнлари ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши натижасида саноат соҳасининг ўзгаришлар динамикаси статистик таҳлил қилиниб хулосалар чиқариш ва улар натижасида таклифлар ишлаб чиқиш.

Адабиётлар таҳлили. Ҳудудлар иқтисодиётида саноат тармоғининг ривожланиш жараёнларини ифодаловчи статистик индикаторлар тизимини ҳамда улар асосида мамлакат ва унинг туман (шаҳар) кўрсаткичларини статистик таҳлил қилишнинг назарий ҳамда услубий жиҳатларини тадқиқ қилиш жараёнида бир қатор хориж мамлакатлари ва мамлакатимиз олимларининг тадқиқотлари ўрганилди.

Хориж мамлакатлари олимларидан:

J.Church, R.Ware, A.Marshallлар фикрича, саноат моддий ишлаб чиқариш асоси бўлиб, унга савдо ва бошқа соҳалар ҳам таъсир қилади ҳамда улар ўзаро муносабатда бўлади, аммо устун куч бу саноатдир.

M.Oytun, A.Muharrem иқтисодиётнинг ривожланиши иқтисодий фаолият таркибидаги саноатдаги ўзгаришлар билан тавсифланади, деб айтганлар [6].

R.L.Thomasнинг фикрича, саноат соҳасининг омиллар тизими – бу уларнинг оддий арифметик йиғиндиси бўлмасдан, балки бунда ички боғланишлар ва таркибий элементларнинг ўзаро бир-бирига бўлган таъсирини ҳам ҳисобга олиш лозим, деган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан:

И.К.Шевченко А.В.Негадоваларнинг айтишича, саноат тармоқлари самарадорлигини оширишда, унинг илм-фан ва техника соҳасидаги сўнгги ютуқларга асосланган моддий-техника базасини ривожлантириш назарда тутилган.

В.О.Глушко, Н.В.Зорниковалар ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришда ҳал қилувчи омил саноат тармоқларининг муваффақиятли ривожланишидир, деган.

С.С.Шишулин фикрича, статистик кўрсаткичларнинг турли хил тизимлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар орасида саноат соҳасининг статистик кўрсаткичлар тизими муҳим ўрин тутаяди, деган ўз тадқиқотларида.

Мамлакатимиз олимларидан:

А.Ортиқов фикрича саноат соҳаси объектив реалликнинг инъикоси ва юксак умумлашмасидир, деган.

О.Р.Умаралиевнинг фикрича, металлургия комплексини ривожлантириш зарурлиги шундаки, у бошқа тармоқлар учун зарурий хом ашё ҳисобланган металлни қазиб олиш, бойитиш ва уни қайта ишлаш жараёнларини ўз ичига олади.


Ф.А.Хамидова ва А.А.Ядгаровлар фикрича, мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашда ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари муҳим ҳисобланади, деган.

З.А.Нуриддинов илмий изланишларида минтақаларнинг инвестицион ва инновацион ривожланишнинг статистик кўрсаткичлар тизимининг яхшиланиши ҳудудлар субъектларининг саноат тармоқларидаги ўзгаришларида ўз ифодасини топади, деган хулосага келган.

Юқорида қайд этилган ва бошқа илмий тадқиқот ишланмалар ҳудудлар иқтисодиётида саноат тармоғининг ривожланишини статистик таҳлил қилиш ҳамда эконометрик моделлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатдан илмий ўрганишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Аммо, мазкур тадқиқотлардан келиб чиқиб илмий мақолада ҳозирда олиб борилаётган ислохотларни инновацион муҳит орқали боғлаш, ишлаб чиқилган стратегияларни мониторинг қилиш кўзда тутилмаган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳудудларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ва уларнинг таҳлили кўрсатишича, 2021 йил якуни билан

коронавирус пандемияси яна жадаллашуви такрорланаётганига қарамай, барча асосий макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича ижобий иқтисодий ўсиш суръатлари қайд этилди. Бу ҳолатни ҳудудларнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари натижаларидан ҳам кўриш мумкин. (1-расм)



1-расм. Ҳудудларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда

2021 йил мобайнида ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан бажарилган қатор чоралар юқори барқарор ўсишни таъминлашга хизмат қилди. Бу эса, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг шаклланишида ҳудудлар ўрни ошганлигида кузатилиб, ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажмларининг ЯИМдаги улуши 88,1 фоизгача ошди (2020 йилда 87,5 фоиз) ва ҳудудларнинг мамлакат иқтисодий ўсиш суръатини таъминлашдаги ўрни янада мустаҳкамланди.


Ҳудудларнинг мамлакат иқтисодий ўсиш суръатини таъминлашдаги ўрни ошиб бораётганига қарамасдан мамлакат иқтисодиётида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан Навоий вилоятининг улуши – 8,1 фоизгача (8,4 фоиз), Андижон вилояти – 6,0 фоизгача (6,4) улуши тушди.

Андижон ва Навоий вилоятларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг нисбатан секин ўсиши ялпи ички маҳсулотдаги ҳудудларнинг улуши камайишига асосий таъсир кўрсатди.

Автомобил саноатидаги узилишлар ва соҳанинг секин суръатларда тикланиши Андижон вилояти иқтисодиётининг асосий иқтисодий кўрсаткичларига сезиларли таъсирини кўрсатиб, ҳудуддаги рақобат устунлиги ҳисобланадиган автомобиль саноати тармоғи пасайишга олиб келди.

Қайд этиш керакки, Навоий вилоятида 2021 йилда ўтган йилга нисбатан сезиларли ўсиш кузатилмаган. Андижон, Бухоро вилоятларида ўтган йилга нисбатан асосан қурилиш соҳасидаги пасайиш ҳисобига Жиззах ва Навоий

вилоятларида асосан саноатдаги пасайиш ҳисобига ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши республика ўсиш суръатидан паст бўлди.



2-расм. 2021 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот кўрсаткичлари, фоизда

ЯИМдаги улуши юқори бўлган қатор ҳудудларнинг янада юқори суръатларида ўсганлиги кузатилган. Масалан, Тошкент шаҳри 114,1 фоиз ва Тошкент вилояти 110,7 фоизни ташкил қилган.

Аҳоли жон бошига тўғри келган ялпи ички ва ҳудудий маҳсулотлар ҳажми деярли барча ҳудудларда республика кўрсаткичидан кам бўлаётганлиги ҳудудлар иқтисодиётидаги мутаносибликларни бартараф этилиши бўйича чора-тадбирларни янада жадаллик билан давом эттиришни кўрсатди.

Бунинг натижасида Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида тармоқларнинг қўшган ҳиссаси юқори бўлган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида тармоқларнинг улуши нисбатан паст бўлган.

Ялпи ички маҳсулотнинг 2021 йилда 7,4 фоизга ўсишида энг катта улушни Тошкент шаҳри (2,3 фоизли банд), Самарқанд (0,6) ва Навоий (0,6) вилоятлари ташкил қилган бўлса, энг кам ҳисса Сирдарё (0,2) ва Жиззах (0,2) вилоятларига тўғри келган.

Ҳудудлар иқтисодиёти ривожига, жумладан Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида саноат, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Андижон вилоятларида қурилиш, Фарғона, Андижон, Жиззах вилоятларида қишлоқ хўжалиги, Андижон, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори ўсиш суръатлари муҳим омил бўлиб, мазкур ҳудудларнинг ЯИМдаги тармоқларнинг улуши ошишига сезиларли ҳисса қўшди.

Мазкур таҳлилга асосан ҳудудларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

Саноати нисбатан ривожланмаган ҳудудлар;

Сурхондарё (7,4), Жиззах (12,6 фоиз), Хоразм (13,3)

Саноати ривожланган ҳудудлар;


Навоий (69), Тошкент вилояти (48,9)

Хизматлар соҳаси ривожланган ҳудудлар;

Тошкент шаҳри (55,5), Фарғона (36,8), Наманган (36,7)

2021 йилда саноатнинг секин тикланиши ва секинлик билан ривожланиши натижасида 2021 йилда 2020 йилга нисбатан Андижон, Навоий ва Бухоро вилоятларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида саноат соҳасининг улуши камайган.

2021 йилда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан республикада саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичи 108,7 фоизни ташкил этган, яъни ўсиш тенденцияси кузатилган.



3-расм. Ҳудудларда саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда

Юқорида қайд этилганидек, Андижон вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш автомобилсозликдаги чиплардаги узилишлар туфайли 1,4 фоизга пасайган бўлса, Бухоро (100,1), Навоий (107,0) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (107,4), Фарғона (108,5) вилоятида республика кўрсаткичига нисбатан кам ўсиш суръатлари қайд этилди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2021 йилда 7,4 фоизга ўсишида Тошкент шаҳри ва Тошкент ва Навоий вилоятларининг ҳиссаси юқори бўлган.

Булар ўз навбатида ҳудудларнинг ташқи савдо айланмасига ҳам таъсир қилади. Мамлакатимизда ташқи савдо айланмасида Хитой (15,2), Россия (12,4), Туркия (12,4), Қозоғистон (7,1) давлатларининг улуши юқори.

Мамлакатимизда жами экспортда ҳудудларнинг улуши кўйидагича бўлган, Тошкент шаҳар 22,9 фоиз, Тошкент 12,1 фоиз, Андижон 5,9 фоиз, Фарғона 4,8 фоиз, Самарқанд 3,2 фоиз, Навоий 3,1 фоиз, Наманган 3 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси 2,5 фоиз, Бухоро 1,9 фоиз, Қашқадарё

1,6 фоиз, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм 1,4 фоиз ҳамда Жиззах 1,2 фоизни ташкил қилган.

Бунда саноатнинг машина ва асбоб-ускуналар соҳаси бўйича экспорт қилиш асосан Андижон 365,1 млн. долл. (ўсиш 190,4 фоиз), Самарқанд 49,8 млн.долл. (169,8 фоиз), Тошкент 37 млн.долл. (-6,2 фоиз) вилоятлари ва Тошкент шаҳрига 215 млн.долл. (136,2 фоиз) тўғри келган.

Тўқимачилик маҳсулотлари экспортини амалга ошириш бўйича Тошкент шаҳри 362 млн.долл. (169 фоиз), Андижон 508,1 млн.долл. (188,2 фоиз), Фарғона 435,5 млн.долл. (118,3 фоиз), Наманган 344,4 млн.долл. (124 фоиз), Тошкент 325 млн.долл. (154,9 фоиз), Бухоро 221 млн.долл. (146 фоиз) вилоятлари етакчилик қилган.

Ушбу таҳлиллардан кўриш мумкинки, охириги йилларга саноат тармоқларида киритилган инвестицияларнинг жозибадорлиги ошиб бормоқда ҳамда ушбу соҳада ҳудудлар салоҳиятидан келиб чиқиб яратилаётган инновацион маҳсулотлар ҳажмининг ҳам ошиб бораётганлигини айтиш мумкин.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, 2021 йил мобайнида эришилган натижалар ва таҳлилларга асосланиб, шунингдек жорий 2022 йилда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш мақсадида куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- ҳудудларда ислоҳотларни давом эттириш орқали иқтисодий тармоқларни барқарор ўсишини таъминлаш бўйича чораларни кўриб бориш;
- автомобиль саноатини ислоҳ қилиш ҳамда ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- асосий турдаги озиқ-овқат саноати маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш;
- Қашқадарё ва Навоий вилоятларида инвестицияларни кўпайтириш орқали саноат тармоғини янада ривожлантириш;
- глобал бозордаги ноаниқликлар ва ўзгаришлар сабабли экспорт корхоналарни қўллаб-қувватлаш, экспортёр корхоналар билан узвий ишлашни йўлга қўйиш ва экспорт географиясини кенгайтириб бориш;
- асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича пасайиш кузатилган ҳудудлар бўйича манзилли ишларни олиб бориш.

Қайд этилган таклифлар, дунё мамлакатларда кузатилаётган нобарқарор эпидемиологик вазият шароитида, ҳудудлардаги ривожланиш тенденцияларини сақлаб қолишга хизмат қилди.

Саноатда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалардаги узилишларни олдини олишга қаратилган иқтисодий секторларини қўллаб-қувватлаш чоралари бир томондан ҳудудлар иқтисодиётидаги фаолликни пасайиб кетмаслигини олдини олган бўлса, иккинчи томондан аҳоли бандлигини ва даромадлар узлуксизлигини таъминлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. UNIDO. Pocket Guide to World Statistics – 2018. Series V, №42. p.1-19.

2. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг расмий сайти маълумотлари асосида ҳисобланган.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
4. Church J., Ware R. Industrial Organization. A Strategic Approach. Irwin. 2000. – 960 p.
5. Marshall A. Industry and Trade: A Study of Industrial Technique and Business Organization; and of Their Influences on the Conditions of Various Classes and Nations. Harvard University. – Macmillan – 2005. – 874 p.
6. Oytun M. Muharrem A. The Effects of Structural Transformations in Economy on Labor Markets: the Case of OECD Countries // International Journal of Business and Social Science. Vol. 5, No. 9(1); August 2014. – 231 p.
7. Thomas R.L. Modern econometrics. - England.: Manchester Metropolitan University, 1998. – 211 p.
8. Шевченко И.К. Негадова А.В. Параметрические характеристики структурно-институциональной организации экономики промышленного сектора. Известия Южного федерального университета. Технические науки. 2011. Т. 124. №11. 89-92 с.
9. Глушко В.О., Зорникова Н.В., Шамардина О.В. Статистический анализ промышленного производства России // Научное сообщество студентов: Междисциплинарные исследования: сб. ст. по мат. XXVIII междунар. студ. науч.-практ. конф. № 17(28). 2017. – 90 с.
10. Шишулин С.С. Система экономико-статистических показателей структуры и динамики промышленного производства России // Мир новой экономики. -№4. 2016. – 137 с.
11. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти / дарслик. – Т.: “Сано-стандарт”, 2014. – 5 б.
12. О.Р.Умаралиев. Приоритеты и перспективы развития промышленности в условиях модернизации экономики // «Молодой учёный». № 12 (116). Июнь 2016. – 1478 с.
13. Хамидова Ф. А., Ядгаров А.А. Худудлар иқтисодиётини комплекс ва мутаносиб ривожлантиришнинг устувор йўналишлари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2017 йил.
14. Нуриддинов З.А. Минтақалар иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва инвестицион жозибадорлигини статистик баҳолаш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертация автореферати. – Т.: ЎзРДСҚ қошидаги КМОСТИ, 2020. – 62 б.